



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Шарипова Бибижон Бахтиёровна

Хоразм вилояти педагогик маҳорат маркази,

Урганч давлат университети

ORCID: 0009-0004-1302-7867

bibijon@umail.uz

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятида хизматлар кўрсатиш фаолиятининг асосий тури бўлган корхоналар сонининг динамикаси таҳлили, Хоразм вилояти туманларида хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сони ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмининг динамикаси таҳлили, Хоразм вилоятида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг динамикаси таҳлили ва хизматлар соҳасининг ривожланиш хусусиятлари, Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни янада ривожлантириш, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун янада қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш мақсадлари ёритилган.

Калит сўзлар: хизмат, хизматлар соҳаси, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг динамикаси, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни янада ривожлантириш.

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ МОДЕЛЕЙ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ СФЕРЫ УСЛУГ

Шарипова Бибижон Бахтиёровна

Хорезмский областной центр педагогического мастерства,

Ургенчский государственный университет

Аннотация. В данной статье проведен анализ динамики количества предприятий, являющихся основным видом сервисной деятельности в Хорезмской области, количества субъектов сервисной деятельности в районах Хорезмской области и динамика объема оказанных услуг. ими, анализ динамики объема предоставляемых услуг на душу населения в Хорезмской области и особенностей развития сферы услуг, Хорезма поставлены цели дальнейшего развития предприятий в сфере оказания услуг, создания более благоприятных экономических и выделены правовые условия осуществления экономической деятельности в регионе.

Ключевые слова: сервис, сфера услуг, динамика объемов оказанных услуг, дальнейшее развитие предприятий сферы услуг.

**THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF INNOVATIVE DEVELOPMENT
MODELS OF SERVICE INDUSTRY ENTERPRISES**

Sharipova Bibijon Bakhtiorovna
Khorezm Regional Pedagogical Skill Center,
Urganch State University

Abstract. *This In this article, the analysis of the dynamics of the number of enterprises that are the main type of service activity in the Khorezm region, the number of subjects of service activity in the districts of the Khorezm region and the dynamics of the volume of services provided by them, the analysis of the dynamics of the volume of services provided per capita in the Khorezm region and the development characteristics of the service sector, Khorezm the goals of further development of enterprises in the field of service provision, creation of more favorable economic and legal conditions for the implementation of economic activities in the region are highlighted.*

Key words: *service, service sector, dynamics of the volume of provided services, further development of enterprises in the service sector.*

Кириш.

Хоразм вилояти иқтисодиётидаги хизматлар қийматини баҳолаш қийин, чунки у жадал ривожланаётган иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бири ҳисобланади. У транспорт, оғир саноат, почта ва курьерлик фаолияти, вақтинчалик турар жой ва умумий овқатланиш, ахборот фаолияти ва телекоммуникациялар, кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар, касбий, илмий ва техник фаолият, маъмурий ва ёрдамчи хизматлар соҳасидаги фаолият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам, санъат, спорт, кўнгилочар ва дам олиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Сўнги ўн йилликлар жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролининг ошиши билан тавсифланади. Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш ва тижорат тизими сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам фаол ривожланмоқда, бу ерда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 42,8 % дан ортиғи ишлайди. Бугунги кунга келиб, Хоразм вилояти иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар ва муаммолар хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим ролини етарлича баҳоламаслик муаммосини янада кучайтирди. Бу янги иқтисодий барқарор жамиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини аниқлаш заруратини туғдирди.

Тадқиқот методологияси.

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш моделлаштириш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Адабиётлар шарҳи.

Етакчи мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий фаолият таркибида ўз улуши бўйича сезиларли даражада устунлик қилади. “Хизмат” тушунчасига алоҳида эътибор қаратадиган бўлсак, у ўнлаб талқинларга эга. Ушбу концепцияни таърифлаш бўйича мавжуд ёндашувларнинг энг катта шарҳи Г. Аванесова (2005) ишларда келтирилган бўлиб, унга кўра, хизматларни сотиш мақсадида ишлаб чиқарилган номоддий активлар сифатида изоҳлайди. Номоддий активлар (ёки номоддий қиймат) - бу жисмоний объект бўлмаган, лекин қийматга эга бўлган қиймат - пул қиймати.

Бизнингча, хизматни бошқа маҳсулот каби маълум меҳнат эвазига олинган махсус истеъмол қиймати деб тушуниш лозим бўлиб, хизматнинг истеъмол қийматининг ўзига хос хусусияти шундаки, меҳнат хизматларни нарса сифатида эмас, балки фаолият сифатида кўринишидир. Юридик адабиётларда хизмат деганда шахснинг (одамлар

гуруҳининг) фойдали меҳнат фаолияти тушунилади, унинг натижалари жамиятнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондирадиган фойдали самарада намоён бўлади (Курбанова, 2012).

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти юқори даожада бўлиб, дунёнинг самарали аҳолисининг ярмидан кўпини иш билан таъминлайди. Жумладан, Германияда хизмат кўрсатиш соҳаси ишчи кучининг 41%, Италияда - 38%, Нидерландияда - 50% дан кам, АҚШда - 73% бандлигини таъминлайди (Report, 2023). Мамлакатнинг ривожланиш даражаси ва унинг мавжуд салоҳияти хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражасини тўғри акс эттиради. Хизмат кўрсатиш соҳасининг тузилиши ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш кўплаб илмий тадқиқотларнинг долзарб йўналиши ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон иқтисодиётида хизматлар бозорининг ортиб бораётган роли иқтисодчиларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига қизиқиш ортиб бораётганини тавсифлайди. 2010-2023 йилларда Хоразм вилоятида жами ўртача арифметик ҳисобда йилига 18472 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, улардан хизмат кўрсатиш тармоғи бўйича йилига ўртача 1538 таси хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этган. Саноати ривожланган мамлакатлар учун сўнгги йигирма йилликда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ЯИМ ўсиш суръатларидан (тахминан 2,5%) сезиларли даражада олдинда эканлиги тасдиқланган.

Худди шундай тенденциялар хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари янада юқори бўлган бир қатор ривожланаётган мамлакатларга хосдир. Жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасида экспорт-импорт операциялари ҳажмининг доимий ўсиши ҳам кузатилмоқда. Бундай динамика жаҳон иқтисодий тизимининг глобаллашув тенденциясига тўлиқ мос келади. Ғарб мамлакатларида хизматлар кўпроқ ялпи ички маҳсулот таркибига киради ва давлат иқтисодий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирини ташкил қилади.

Хоразм вилоятида қурилиш, транспорт, алоқа ва моддий ишлаб чиқаришни таъминлаш соҳасидаги хизматларнинг фақат кичик бир қисми ЯИМга киритилган. Моддий ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, номоддий хизматлар уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, фан ҳамда бошқа жами ижтимоий маҳсулот миллий ишлаб чиқариш ҳажмига киритилмайди. Бугунги кунда Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси, ишлаб чиқариш ҳажмини оширадиган иқтисодиётнинг ягона тармоғи бўлиб, ушбу корхоналар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятида хизматлар кўрсатиш фаолиятининг асосий тури бўлган корхоналар сонининг динамикаси

| Фаолият турлари | 2010 | 2015 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2023 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|---------------------------------------|------|------|------|------|------|------|---|
| Савдо | 3430 | 3245 | 5001 | 6141 | 7498 | 9034 | 5604 |
| Ташиш ва сақлаш | 106 | 446 | 668 | 722 | 842 | 1046 | 940 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 393 | 583 | 1216 | 1361 | 1577 | 1756 | 1363 |
| Ахборот ва алоқа | 108 | 233 | 238 | 276 | 345 | 408 | 300 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар | 324 | 384 | 426 | 502 | 553 | 607 | 283 |
| Бошқа турлари | 3510 | 3765 | 4622 | 4948 | 5254 | 5748 | 2238 |

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш тармоғининг савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 2023 йилда 2010 йилга нисбатан 5604 тага ошиб 9034 тага етди. Бу эса энг кўп фаолият кўрсатаётган корхоналар савдо-сотиқ билан шуғулланувчи корхоналар эканлигини бу соҳада фаолият кўрсатаётган Хоразм вилояти аҳолисининг 46,3 %ини ташкил этади.

Кейинги ўринда хизмат кўрсатиш тармоғининг бошқа турлари бўлиб, 2023 йилда 2010 йилга нисбатан 2238 тага ўсиш билан 5748 тани ташкил этди. Уларнинг таркибида фаолият кўрсатаётган таълим соҳасида – 28,8 %; туризм соҳасидаги хизматлар – 24,2 %; маиший техника ва транспорт воситаларини таъмирлаш – 19,7 %; етказиб бериш – 9,3 %, санъат – 7,2 %; спорт – 6,5 %, кўнгилочар – 4,3 % корхоналари ташкил этади.

Учинчи ўринда Хоразм вилоятида яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат қилувчи корхоналар ташкил этиб, 2010 йилда 393 тага тенг бўлган бу кўрсаткич 2023 йилда 1363 тага ошиб 1756 тага етди.

2-жадвал

Хоразм вилояти туманларида хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сони, бирликда

| Худудлар | 2010 | 2015 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2023 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|-----------------------|-------------|-------------|-------------|--------------|--------------|--------------|---|
| Хоразм вилояти | 5616 | 6110 | 9070 | 10915 | 12970 | 15395 | 9779 |
| Боғот | 272 | 373 | 433 | 571 | 754 | 985 | 713 |
| Гурлан | 281 | 353 | 559 | 727 | 880 | 1016 | 736 |
| Қошқупис | 321 | 306 | 545 | 763 | 972 | 1209 | 888 |
| Урганч | 485 | 607 | 1041 | 1236 | 1503 | 1777 | 1292 |
| Хазорасп | 344 | 399 | 633 | 548 | 697 | 881 | 537 |
| Тупроққаъла | 0 | 0 | 0 | 240 | 307 | 372 | 372 |
| Хонқа | 361 | 366 | 727 | 867 | 1016 | 1177 | 817 |
| Хива | 857 | 1151 | 760 | 893 | 984 | 1155 | 297 |
| Шовот | 366 | 351 | 414 | 541 | 670 | 889 | 524 |
| Янгиариқ | 337 | 414 | 541 | 600 | 700 | 861 | 524 |
| Янгибозор | 216 | 231 | 369 | 536 | 652 | 772 | 556 |
| Урганч ш. | 1778 | 1559 | 2161 | 2375 | 2689 | 2970 | 1192 |
| Хива ш. | 0 | 0 | 888 | 1018 | 1147 | 1332 | 1332 |

Манба: Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Жадвал натижаларига кўра, Хоразм вилояти туманларида хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сонининг энг юқори кўрсаткич Урганч шаҳрига тўғри келиб 2010 йилда 1778 тага тенг бўлган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 2970 тага етди. 2-ўринда Урганч тумани бўлиб, 2010 йилга нисбатан 2023 йилда 1292 тага ошиб 1777 тани ташкил этди. шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сонининг 2010 йилга нисбатан юқори даражада ўсишга эришган туман стфатида ҳам худди шу Урганч туманини таъкидлаш мумкин.

Жадвалда келтирилган маълумотлардаги статистик кўрсаткичларга эътибор қаратадиган бўлсак, Хива туманида 2010 ва 2015 йилларда ушбу субъектларни юқори кўрсаткичига (2010 йилда 857 та, 2015 йилда 1151 та) эга бўлган бўлса, 2023 йилга келиб туманда хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сони 2010 йилга нисбатан 297 тага ошиб 1155 тага етди. Бу ўзгариш асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри ҳокимликларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига

(Қарор, 2017) биноан Хива шаҳри ва Хива туманининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Хива шаҳрини ташкил этиш билан боғлиқ.

Келтирилган таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, вилоятда кузатилаётган давр оралиғида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб бораётганлигини аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжини ўсиб бориши билан кузатилади.

Вилоятда энг кам хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сонига эга бўлган туман Тупроққалъа бўлиб, у 2020 йил 11 май куни Ҳазорасп тумани ҳудудини иккига бўлиш орқали ташкил этилган. Шу боис, ушбу туманда хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сони 2023 йилда 372 тани ташкил этган. Албатта, вилоятда бундай хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича субъектлар сонини ижобий ўзгариши вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажминини кузатилаётган давр мобайнида ўсишига сабаб бўлди.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда олиб борилаётган бозор ислохотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм вилоятида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг динамикаси

(млрд. сўм)

| Ҳудудлар | 2010 | 2015 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2023 йида 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|----------------|-------|--------|--------|--------|---------|---------|---|
| Хоразм вилояти | 862,9 | 2548,6 | 6461,2 | 8348,1 | 10480,4 | 13266,1 | 12403,2 |
| Урганч ш. | 408,5 | 1203,1 | 2287,0 | 2962,4 | 3822,8 | 5032,5 | 4624 |
| Хива ш. | - | - | 225,0 | 360,6 | 480,6 | 661,1 | - |
| Боғот | 38,9 | 108,3 | 374,9 | 475,3 | 596,0 | 731,7 | 692,8 |
| Гурлан | 38,8 | 123,4 | 349,4 | 435,3 | 527,0 | 658,6 | 619,8 |
| Қўшқўпир | 36,3 | 130,1 | 354,0 | 430,6 | 530,1 | 652,8 | 616,5 |
| Урганч | 75,5 | 202,5 | 540,1 | 665,6 | 828,8 | 998,1 | 922,6 |
| Ҳазорасп | 59,7 | 140,6 | 489,6 | 627,7 | 766,0 | 955,2 | 895,5 |
| Тупроққалъа | - | - | 122,8 | 181,3 | 227,4 | 275,1 | - |
| Хонқа | 45,3 | 130,9 | 463,9 | 563,8 | 723,9 | 878,9 | 833,6 |
| Хива | 64,7 | 188,7 | 321,5 | 471,7 | 577,0 | 696,5 | 631,8 |
| Шовот | 38,3 | 126,0 | 363,0 | 450,1 | 535,3 | 655,2 | 616,9 |
| Янгиариқ | 29,9 | 97,6 | 313,0 | 393,7 | 466,6 | 571,3 | 541,4 |
| Янгибозор | 27,0 | 97,4 | 257,0 | 330,0 | 398,8 | 499,1 | 472,1 |

Манба: Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Жадвалда келтирилган Хоразм вилоятида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилда энг юқори кўрсаткич Урганч шаҳрига тўғри келиб, вилоят бўйича жами кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 37,9 %ини ташкил этиб 5032,5 млрд. сўмга тенг бўлди. Кейинги ўринни Урганч тумани 998,1 млрд. сўм (7,5 %) ва Ҳазорасп тумани 955,2 млрд. сўм (7,2 %) эгаллади.

Вилоятда кўрсатилган хизматлар ҳажмининг энг кичик улуши Тупроққалъани эътиборга олмаганда Янгибозор туманига 499,1 млрд. сўм (жами хизматлар ҳажмида 3,8 %) ва Янгиариқ тумани 571,3 млрд. сўм (4,3 %)га тенг бўлди. Умуман олганда, Хоразм вилоятида 13266,1 млрд сўмлик хизматлар кўрсатилиб, ўсиш суръати 114,6 фоизни, республикадаги улуши эса 2,8 %ни вилоятлар ўртасида 10-ўринни ташкил этади.

Хизматлар соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ҳамда бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодийнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу эса ўз навбатида, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни молия хизматлари эгаллашини таъминлади. 2023 йил январь-декабрь ойларида уларнинг улуши 25,5 %ни ташкил этди. Компьютерлар ва уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажмида бироз ўсиш қайд этилиб, уларнинг улуши 3,8 %га етган.

Умуман олганда, 2023 йилда юқори ўсиш молиявий хизматлар (141,3%), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (124,3%), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (113,7%), таълим соҳасидаги (112,2%) ва бошқа хизматлар (113,8%)да қайд этилди. Мазкур даврда Хоразм вилоятида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 6,7 млн. сўмни Республикада вилоятлар миқёсида эса 8-ўринни эгаллаб, ўсиш суратлари 112,5 %ни ташкил этди (4-жадвал).

4-жадвал

Хоразм вилоятида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг динамикаси (минг. сўм)

| Худудлар | 2010 | 2015 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2023 йида 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|----------------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|--|
| Хоразм вилояти | 545,7 | 1472,2 | 3437,0 | 4373,7 | 5399,2 | 6705,1 | 6159,4 |
| Урганч ш. | 3008,1 | 8699,2 | 15849,1 | 20290,0 | 25772,2 | 33334,5 | 30326,4 |
| Хива ш. | - | - | 2424,8 | 3830,0 | 5000,6 | 6387,3 | |
| Боғот | 285,1 | 715,8 | 2269,4 | 2833,3 | 3484,8 | 4116,7 | 3831,6 |
| Гурлан | 305,5 | 896,2 | 2351,1 | 2882,0 | 3439,8 | 4151,9 | 3846,4 |
| Қўшқўпир | 253,5 | 820,8 | 2049,6 | 2461,8 | 2986,5 | 3643,2 | 3389,7 |
| Урганч | 463,5 | 1121,0 | 2708,8 | 3271,5 | 3996,9 | 4788,4 | 4324,9 |
| Хазорасп | 284,3 | 612,7 | 2522,4 | 3195,3 | 3821,8 | 4733,3 | 4449,0 |
| Тупроққалъа | - | - | 2216,6 | 3281,8 | 3972,9 | 4907,0 | |
| Хонқа | 290,0 | 761,3 | 2482,0 | 2966,7 | 3745,9 | 4455,2 | 4165,2 |
| Хива | 323,9 | 860,1 | 2199,1 | 3176,2 | 3824,0 | 4388,5 | 4064,6 |
| Шовот | 271,9 | 807,4 | 2129,1 | 2609,0 | 3045,8 | 3699,3 | 3427,4 |
| Янгиариқ | 311,1 | 909,6 | 2690,9 | 3301,3 | 3891,9 | 4828,8 | 4517,7 |
| Янгибозор | 369,4 | 1207,7 | 2937,7 | 3738,1 | 4424,6 | 5353,1 | 4983,7 |

Манба: Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

4-жадвалда берилган маълумотларга асосан, Хоразм вилоятида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг юқори даражаси Урганч шаҳри (33334,5 минг сўм) ва Хива шаҳри (6387,3 минг сўм)га тўғри келди. Бунинг асосий сабаби ушбу шаҳарларга келувчи туристлар сонини кўплиги билан изоҳланади. Чунки, таҳлиллар шундан

далолат берадики, хизмат турларининг асосий қисми (48,7 %) мехмонхона ва овқатланиш йўналишига тўғри келади.

Вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг қуйи даражаси эса Қўшқўпир тумани (3643,2 минг сўм) ва Шовот туманларига (3699,3 минг сўм) тўғри келиб, бунинг асосий сабаби ушбу туманларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони (Фармон, 2022) асосан ҳар икки туман ҳам 3-тоифадан ўрин олганлиги боис, уларни ривожлантириш учун ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, туман ва шаҳарларни уларнинг шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб ривожлантириш бўйича янгича ёндашувларни жорий этиш, шунингдек, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, давлат кўмагини бериш тартибини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш вазифаси белгилаб берилган.

Чунки, иқтисодиётининг жадал ривожланиши қатор муҳим таркибий ўзгаришлар билан бирга келиши ва бу бу ўзгаришлардан бири сўнгги ўн йилликларда содир бўлган иқтисодий тизимларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдан хизматлар кўрсатишга йўналтирилганлигидир. Бунинг оқибати жаҳон иқтисодиётининг ҳар томонлама ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва жамият фаровонлигига таъсирини ортиб бориши билан белгиланмоқда.

Хизматнинг ўзига хос маҳсулот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари - уни тақдим этиш вақтини аниқлашда қийинчилик, хизмат нархини белгилашда субъективликнинг юқори даражаси, хизматларнинг айрим турлари учун муқобил вариантларнинг камлиги ёки йўқлиги, корхонанинг обрўсининг муваффақияти, транспортнинг муҳимлиги сабабли бир қатор хизматларнинг истеъмолчиларнинг жойлашувига боғлиқлиги.

Хизмат маҳсулотнинг ўзига хос тури сифатида аҳоли кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда фаолиятнинг деярли барча турлари хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ, хусусан, хизматлар нафақат анъанавий сервис компаниялари, балки ўз товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатадиган саноат корхоналари томонидан ҳам, транспорт хизматлари, ахборот таъминоти истеъмолчилар ва бошқалар билан боғлиқ.

Эътибор бериб қараладиган бўлса, Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши динамик ва кўп қиррали. Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда тадбиркорлик фаол ривожлана бошлади, бунинг натижасида кўрсатилаётган хизматлар кўлами муттасил кенгайиб бормоқда. Бу соҳанинг афзаллиги шундаки, ишлаб чиқариш циклининг қисқариши, фаолиятнинг бир соҳаси доирасида дифференциаллашуви ва ихтисослашуви, кўплаб хизматларнинг индивидуаллиги ҳамда стандартлаштирилмаганлиги ҳисобига капитал айланмасининг юқори тезлиги кичик бизнес субъектларининг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари халқаро савдо жараёнларида фаол иштирок этадилар. Шу жиҳатдан ички бозор илм-фан, ахборот технологиялари, дастурий таъминот, электрон ва мобил тижорат ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига жаҳон бозоридаги улушини ошириш учун салмоқли салоҳиятга эга. Бундай салоҳият иқтисодиётни юқори малакали кадрлар ва тегишли моддий-техника базаси билан таъминлаш шарти билан амалга оширилади. Ернинг геосиёсий жойлашувидан самарали фойдаланиш транспорт хизматлари кўрсатишдан тушадиган даромадларни оширишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари Хоразм вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Хоразм вилояти иқтисодиётининг ушбу секторининг ривожланиш хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- корхоналар умумий сонида хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг салмоқли улуши;

- улгуржи ва чакана савдо, автотототранспорт ва мотоциклларни таъмирлаш ташкилотлари улушининг бошқа йўналишларга нисбатан устунлиги;

- бу соҳанинг кичик ва ўрта бизнес учун жозибadorлиги, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар сонининг умумий таркибида тадбиркорларнинг салмоқли улуши;

- Хоразм вилояти аҳолиси учун иш ўринларининг катта қисмини яратиш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини халқаро савдо жараёнларига фаол жалб этиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида экспорт-импорт операцияларининг ижобий салдоси. Хоразм вилоятининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни янада ривожлантириш иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун янада қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратишни талаб қилади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- ички бозор учун янги хизматлар кўрсатувчи корхоналар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- фан ва техника тараққиётини жадал ривожлантириш мақсадида инновацион инвестицияларни рағбатлантириш бўйича давлат ва маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш;

- инвестисия сиёсати соҳасида давлат ва маҳаллий дастурларни амалга ошириш, хусусан, асосий фондларни янгилаш соҳасида имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш;

- ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашга аҳолини жалб этиш орқали хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида маҳаллий корхоналарни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Report, (2023) Future of Jobs Report 2023 World Economic Forum. ISBN-13: 978-2-940631-96-4

Аванесова Г.А. (2005) *Сервисная деятельность: историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент [Текст] / Г.А. Аванесова. – М.: Аспект Пресс, 2005. – 318 с.*

Курбанова И.Т. (2012) *Управление инновационным развитием предприятия сферы услуг [Электронный ресурс] / И.Т. Курбанова, И.К. Шахбанова. – Режим доступа: <http://uecs.ru/uecs-37-372012/item/998-2012-01-31-06-05-56>.*

Қарор (2017) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри ҳокимликларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 11.07.2017 йилдаги ПҚ-3124-сон қарори.* <https://lex.uz/docs/3262295>

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари.

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 30.12.2022 йилдаги ПФ-287-сон Фармони,* <https://lex.uz/uz/docs/6333225>

Хоразм вилояти статистика бошқармаси (<https://www.xorazmstat.uz>) маълумотлари.